



**Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг  
\_\_11\_\_ сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«26» февраль 2020 йил

**Раислик қилувчи:** Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор

**Қатнашдилар:** Тошкент тиббиёт академиясининг  
Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Олий таълимдан кейинги таълимда юқори малакали кадрлар тайёрлаш,  
таянч докторантура ва докторантура фаолияти таҳлили

**Маърузачи**– Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.  
Азизова

2. Касбий таълим йуналишида педагогик фаолият кўникмаларини  
ўзлаштириш ва уларни ахамияти

**Маърузача** – Тиббий педагогика факультети декани А.А.Хамраев

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга  
сайлаш

**Маърузачи** – Комиссия раиси

4. Диссертация, монография ва ўқув-услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш

**Маърузачи** – ОТМ кенгаш котиби

5. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Кун тартибининг биринчи саволи бўйича Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л. Азизова “Олий таълимдан кейинги таълимда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таянч докторантура ва докторантура фаолияти таҳлили” мавзуси бўйича маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ахборот учун қабул қилинсин.

1.1. Илмий ва илмий-педагогик кадрлар сифатини ошириш мақсадида ТТАда таҳсил олаётган барча докторант ва мустақил изланувчиларнинг мақола ва илмий маҳсулотлари Scopus, Web of Science, Google Scholar Халқаро тизимларига киритилган журналларда чоп этилиши ҳамда чет элдаги нуфузли ОТМ муассасалари профессор-ўқитувчилари билан илмий ҳамкорлик ишлари кучайтирилсин.

**Масъул–Илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, илмий ва илмий педагогик кадрлар таёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

1.2. Ўз муддатида химоя қилмаган докторант ва изланувчи ҳамда уларни илмий раҳбар ва илмий маслахатчилари огоҳлантирилсин.

**Масъул–Илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, илмий ва илмий педагогик кадрлар таёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

1.3. Муддатидан олдин химоя қилган таянч докторантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари моддий рағбатлантирилсин.

**Масъул–Илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, илмий ва илмий педагогик кадрлар таёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

2. Кун тартибининг иккинчи саволи бўйича, Тиббий педагогика факультети декани А.А.Хамраевнинг “Касбий таълим йўналишида педагогик фаолият кўникмаларини ўзлаштириш ва уларни аҳамияти” мавзуси бўйича маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ахборот учун қабул қилинсин.

2.1. Педагогик амалиёт учун ажратилган соатларни қайта кўриб чиқилиши ва педагогик амалиёт объектларини нафақат касб-ҳунар коллежларида балки бугунги кундаги таълимдаги янги ислохатлар натижасида ОТМлар қошида ташкил этиладиган техникум ва мактабларда ҳам ташкил этилиши йўлга қўйилсин.

**Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректори Ш.А.Боймурадов, тиббий педагогика факультети декани А.А.Хамраев, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

2.2. Касбий таълим йўналишида таълимнинг сўнгги босқичидаги Давлат аттестациясини оғзаки назорат шаклида амалга оширилиши билан биргаликда битирув малакавий ишларни иқтидорли талабаларнинг ихтиёрий танлови асосида тайёрланиши йўлга қўйилсин.

**Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректори Ш.А.Боймурадов, Тиббий педагогика факультети декани А.А.Хамраев, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш. Илмий котиб Г.А.Исмаилова танловга талабгорлар томонидан аризалар тушмаганлиги ҳақида маълумот берди.

4. Диссертация, монография ва ўқув-услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш. Иловада келтирилган руйхат бўйича мустакил изланувчи, таянч докторант ва докторантларнинг илмий иш мавзулари тасдиқланди (1-илова).

5. Турли масалалар.

5.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва

мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди (2-илова).

5.2. Тошкент тиббиёт академияси ходимлари т.ф.д., проф. Л.Н.Туйчиев, т.ф.д., проф.Б.Т.Холматова ва т.ф.н. Ш.Т.Ходжақбарова томонларидан ишлаб чиқилган “Болалар организмнинг марказий асаб тизими ва сезги аъзолари анатомияси, физиологияси голограммаларини ишлаб чиқиш” (“Разработка голограмм анатомии, физиологии центральной нервной системы и органов чувств детского организма”) номли грант лойиҳаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этишга тавсия этилсин.

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Кенгаш ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси  
кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича  
проректори



Ш.А.Боймуратов

ТТА илмий ва инновацион ишлар  
бўйича проректори



Ф.Л.Азизова

ТТА ёшлар билан ишлаш бўйича проректор




Т.А.Бобомуратов

Даволаш ишлари бўйича проректор



М.Ш.Каримов

Ички назорат ва мониторинг  
бўлими бошлиғи



Ў.М. Миршарапов